

МУСТАҚИЛЛИКГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7881607>

**Холбеков Аброр Элбек ўғли**

ИИВ Академияси 313-гуруҳ курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг қадимги даврдан яни одам пайдо бўлган даврдан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврдаги таълимотлар батафсил баён этилган. Дунёда ва мамлакатимиз ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлгандан муқаддас Ислом дини кириб келгунгача, ундан сўнг эса ислом дини кириб келиб ислом маъданияти ва ислом қонунлари, тартиб қоидалари ўрнатилиб жиноятларнинг олдини олишга боғлиқ таълимотлар шаклланиши ва бошқалар баён этилган. Шундан келиб чиқиб, ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар тушунчаси ва аҳамияти, ушбу таълимотларнинг мамлакатимизда вужудга келиш тарихи ва ривожланиш босқичлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мустақилликдан олдинги йилларда мавжуд бўлган криминологик қарашлар ва мустақилликка эришгандан кейинги даврларда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ҳамда жиноятларнинг олдини олиш ҳақидаги таълимотларнинг ривожланиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янги демократик жамият қуришда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ҳақидаги таълимотларнинг туганган ўрни тўғрисида ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** мустақилликдан олдинги йиллар, таълимотлар, криминологик қарашлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар, мамлакатимизда вужудга келиш тарихи ва ривожланиш босқичлари.

### **КИРИШ**

Чор Россияси ва собиқ Иттифоқ даври бўлиб, бу даврда жабрланувчиларнинг жиноят содир этилиши роли мавжудлиги тўғрисида дастлабки илмий хулосалар XVIII асрда яратилган. Масалан, классик ҳуқуқшунослик намояндаларидан бири Меремия Бентам (1748–1832 йиллар) жиноят қонунчилигига жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш ва шу орқали жиноят содир этувчи-ларнинг муайян жинойий мақсадлардан ўзларини

тийишга олиб келишини таъминлаш мақсадида зарур моддалар киритилишини таклиф этган<sup>49</sup>.

1878–1934 йилларда яшаб, ижод қилган маърифатпарвар олим ва журналист Абдулла Авлоний Тошкентда «Тараққий», «Шухрат», «Осиё» каби газеталарни чиқариш орқали халқимизга маърифат, ватанпарварлик ва миллатпарварлик ғояларини тарғиб этган. Шунингдек, Абдулла Авлоний ўз ҳаётини мактаблар очиш, халқни саводхон қилиш, айниқса ўзбек хотин-қизларини ўқитиш, ўқитувчи ва зиёли мутахассисларни тайёрлашга бағишлаган. Мутафаккир: «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деб бежизга таъкидламаган.

### **АСОСИЙ ҚИСМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР**

Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига хизмат қилувчи муҳим маънавий омил – таълим ва тарбия борасида яна бир ўзбек мутафаккири, ёзувчи, олим ва жамоат арбоби Садриддин Айний (1878–1954 й.) Бухорода янги усул мактабларини очиб, улар учун ўқув қўлланмалар, оммани илм-маърифатга чақирувчи шеър ва ҳикоялардан иборат «Ёшлар тарбияси» дарслигини тузган. Илм-у маърифатнинг инсон камолотида тутган ўрнини яхши англаб етган Садриддин Айний тожик ва ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихий тараққиётида етишиб чиққан 200дан ортиқ шоир, тарихчи, олим ва тазкиранавислар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беради.

Ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат (1886–1938 й.) «Ёш бухороликлар» ҳаракатининг мафкурачиси ва ғоявий раҳбарларидан бири сифатида, сўнгра «Чиғатой гурунги» маърифий-адабий уюшмасининг раҳбари сифатида ёш зиёлилар авлодини миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади. Фитрат ўзининг асарларида ўз даврининг салбий иллатларини очиб ташлашга ҳаракат қилади. Хусусан, унинг «Мунозара», «Сайёҳи ҳинди» асарларида ўша даврнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган диний фанатизмни танқид остига олади ва унга қарши курашади.

Фитратнинг «Темур сағанаси» пьесасида истиқлол учун кураш ғояси ўз бадий ифодасини топган. Бунда у ўтмишга назар солиш орқали большевикларнинг Туркистонда олиб борган ғайримиллий сиёсатига фаол муносабат билдириб, зулм ва зўравонликка асосланган ўша давр тузумини кескин қоралайди.

XX аср ўзбек адабиётининг юксак намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий (1894–1938 й.) мамлакатимиз тараққийпарвар зиёлилари сафида туриб она юрти, миллат тақдири устида астойдил қайғурган ва нажот йўлини излаган маърифатпарварлардан бири эди. У ўзи яшаган йиллардаги ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзининг бир қатор асарларида, хусусан «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз», «Улоқда»,

<sup>49</sup> Криминология: Дарслик/ З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. –Т., 2006. – Б.429.

«Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» кабиларда миллатпарварлик, маърифатпарварлик ва жадидчилик ғояларини илгари суриш билан бир қаторда жамиятдаги мавжуд иллатларни, жиноят натижасида зарар кўрган жиноят қурбонларини ижтимоий жихатдан химоя қилишни ва жиноятчиликка олиб келадиган сабаб ва шароитларни қоралаган.

Моҳир ёзувчи, ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор (1907–1968 й.) асарларида ҳам ўз даврининг салбий иллатлари, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги муайян ғояларни кўриш мумкин. У «Бошсиз одам» ҳикояси, «Сароб» романи, «Синчалак» каби қиссалари орқали ўша даврдаги иллатлар устидан кулган бўлса, «Тобутдан товуш» комедиясида эса ўзига хос нозик туйғу билан жамиятдан порахўрликдек даҳшатли иллатни таг-томири билан йўқотиш истагида айрим кўринишларни саҳнага олиб чиқди.

Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг умумижтимоий ва криминологик йўналишлари ҳақидаги ғоя XX асрнинг 20-йилларида ривожлана бошлаб афсуски, 30-йилларда тўхтаб қолди. XX асрнинг 30-йилларига келиб собиқ Иттифоқ давлатларида, шунингдек унинг таркибида бўлган Ўзбекистонда ҳам қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қараганда муҳим эканлиги ҳақида кўрсатма устун бўла бошлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг устувор йўналиши бўлмасдан, балки давлатнинг жазолашга оид сиёсати ва амалиётининг бир қисми бўлиб қолди.

Жиноятлардан жабрланганлар муаммосини ўзига хос омил сифатида, шунингдек, жиноятчиликнинг жабр етказувчи шахс ва унинг қурбони ўртасидаги ўзига хос муносабат эканлигини илк бора немис олими Ганс фон Гентинг ўзининг 1948 йилда чоп этилган «Жиноятчи ва қурбон» деган асарида кўрсатиб ўтган<sup>50</sup>.

1960 йилларга келиб эса яна ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига эътибор кучайди, унинг назарияси ривожлана бошлади. Умуман олганда, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг махсус соҳаси сифатида асосан 60-йилларга келиб намоён бўла бошлади.

Дастлаб Н.Р. Миронов жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчасига қуйидагича таъриф берди: «Жиноятчиликнинг олдини олиш – бу жиноятчиликни бартараф этиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотларининг амалга ошираётган тадбирлари йиғиндиси».

---

<sup>50</sup> Аракелян К.Н. Возникновение и развитие виктимологии как науки о поведении жертв: исторический экскурс / К.Н. Аракелян // Прикладная юридическая психология. – 2016. – №1. – С.70–74.

Айтиш жоизки, илк бор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг профилактик ишлари мазмуни ва усулларини очиб берувчи Г.М. Миньковский, Т.М. Арзуманян, В.К. Звирбуль, М.И. Кацук, В.И. Шинд томонидан ёзилган «Тергов органлари, прокурор ва судларнинг жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолияти» номли ўқув-методик қўлланма 1962 йилда нашрдан чиқарилди. 1966 йилда нашрдан чиққан биринчи криминология дарслигида: «Жиноятчиликни олдини олиш – давлат ва жамоат ташкилотларининг жиноятларнинг олдини олиш ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф қилиш бўйича амалга ошираётган турли хилдаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган чоралари йиғиндиси», деб таъриф берилди. Бироқ, бу даврда жиноятларнинг олдини олишнинг криминологик концепцияси (йўналиши) ҳали бутунлай ташкил қилинмаган эди.

70 ва 80-йилларда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси соҳасидаги муаммоларни монографик тарзда тадқиқ этиш ривожланди. 1977 йилда «Жиноятчиликни олдини олишнинг назарий асослари» деб номланган монографик асар нашрдан чиқди.

80-йилларга келиб жиноятчиликни олдини олиш назариясининг асосий қоидалари, унинг мазмуни ва тузилишини аниқлаш шаклланди. Бу даврга келиб жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоларига бағишланган бир қанча асарлар яратилди (А.М. Шляпочников, А.Б. Сахаров, А.Г. Лекарь, Г.М. Миньковский, В.К. Звирбуль, А.Э. Жалинский, Д.В. Ривман, В.Н. Кудрявцев, И.И. Карпец, К.Е. Игошев ва бошқаларнинг асарлари).

1963 йили Янги Зеландияда жаҳонда илк бор “Жиноятдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида”<sup>51</sup>, 1972 йилда АҚШнинг “Жиноятдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича федерал қонуни”, 1976 йили Германия Федератив Республикасида “Зўравонлик жиноятдан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”, 1982 йилда АҚШда “Жиноят қурбонлари ва гувоҳларни жинойий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этиш тўғрисида”<sup>52</sup>ги федерал қонунлари ҳамда 1980 йилнинг май ойида Япония Парламенти 1982 йилда “Жиноятдан жабрланганларга пул маблағи тўлаш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда уларда жиноятчиларнинг моддий зарарни тўлаши мустақил жазо тури деб белгиланиши жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосга эга бўлишини таъминлади.

Баён этилганлар, албатта, катта аҳамиятга эга ва бу тажрибаларни нафақат қонун ижодкорлиги жараёнида, балки амалий жиҳатдан криминология

<sup>51</sup> Ахмедшина Н.В. Возникновение и развитие отечественной виктимологии / Н.В. Ахмедшина // Вестник томского государственного университета. – 2007. – №300 (1). – С.138–141.

<sup>52</sup> Вишневецкий К.В. Развитие понятий виктимности и виктимизации в Российской криминологии // Криминологический журнал. – 2007. – № 1 (11). – С.29–34.

муассасалари ва шу жумладан, Халқаро Интерпол тизимларида йўлга қўйилиши орқали жуда кўп амалий муаммоларни ҳам ҳал этиш мумкин.

### **ХУЛОСА**

XX асрнинг бошларида Ўзбекистонлик жаидчилик ҳаракати намояндаларининг асарларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик таълимотлари яратилди. Жумладан, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абулла Қодирий, Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашитхонов, Абдулла Авлоний каби жаидчилар ўзларининг кўплаб асарларида фикр ва ғояларини илгари сурдилар. Уларнинг ғояларида озодлик, ҳуррият ва миллийлик катта ўринни эгаллаган. Шу даврда яратилган Махмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” асари фарзанднинг тарбиясидаги камчиликлар, вояга етмаганларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши ва аксинча бўлса падаркуш каби жиноятчи болалар пайдо бўлишини очиб берди. Собиқ Иттифоқ даврида криминолог олимларнинг жиноятчилик ва уни олдини олиш ҳақидаги илмий асарларида фикр ва қарашлар ёритиб берилди.

Жаҳонда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб етмоқда.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. И.Исмаилов ва бошқалар ИИО ларининг жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш. Дарслик Т.2011.
2. Ахмедшина, Н.В. Возникновение и развитие отечественной виктимологии / Н.В. Ахмедшина // Вестник томского государственного университета. - 2013.- №300 (1). - С.138-141.
3. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б–179.
4. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б–347-348.

5. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017).
6. Мухитдинов Ф.М. Жабрланувчи ҳақидаги таълимот асослари –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Академияси нашр., 2019. 57–Б.
7. У Таджиханов. А Саидов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси Т.2001.
8. Д.Абдуллаев Оила муҳофазаси барқарорлик омили ҳуқуқ ва бурч.№7 2012.
9. Муродов А. Ш, Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг криминологик тавсифи //Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2017 й, 3-сон. –Б, 48-54.
10. Юридик луғат. ИИВ Академияси кутубхонаси. –Т,2015.
12. Криминология общая часть. 2011 г
13. Криминология: учебник для вузов под ред А.И. Долговой. М, 2013.С.392.
14. Криминология / Под ред. проф. Н. Ф. Кузнецевой, проф. В. В. Лунеева. – М., 2012. – С. 204. 2 Қаранг: Правовое регулирование деятельности органов внутренних дел: Сб. нормативно-правовых актов. – Т.1 / Отв. ред. В.А. Васильев. – М., 2010. – С. 103–114
15. Темур тузуклари/ Таҳрир ҳайъати: Б. Абдухалимов ва бошқ., Т., “Ozbekiston” 2012. Б. 76.
16. Криминология: Дарслик/ З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; –Т.: 2011. Б–429.